



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 31 январь, № 20 (6978) Чоршанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.




ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИ ҚАЛБЛАРИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ



**Мамлакатимизда
Биринчи Президентимиз,
буюк давлат ва сиёсат
арбоби, ўзбек халқининг
атокли фарзанди
Ислом Каримов
таваллудининг 80 йиллиги
кенг нишонланмоқда.**

Истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган барча ютуқ ва марралар Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ. Ислом Каримов Ўзбекистонни мустақил, жаҳонда ўз ўрни ва сўзига эга давлатга айлантирди. Биринчи Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлатимиз тараққиёти йўлида юксак фидойилик кўрсатиб меҳнат қилгани халқимиз учун ибрат намунаси бўлиб қолди. ...2018 йил, 30 январь. Биринчи Президентимиз бир неча йил меҳнат қилган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри. Атроф оппоқ қорга бурканган, осмон мусаффо. Муаззам бино тепасида давлатимиз байроғи хилпирайди. Бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндalари, Қашқадарё вилоятининг кенг жамоатчилиги, талаба-ёшлар Ислом Каримов ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш учун йиғилган. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚАРШИ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Қадрли ватандошлар!
Хурматли Татьяна Акбаровна!
Муҳтарам Қашқадарё аҳли!
Шу кунларда мамлакатимизда буюк давлат ва сиёсат арбоби, мустақил Ўзбекистон давлати асосчиси, Биринчи Президентимиз хурматли Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 80 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланмоқда.

Шу муносабат билан юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, меҳнат жамоалари, таълим масканларида юбилей тадбирлари ўтказилмоқда.

Бугун қадимий ва гўзал Қарши шаҳрида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳайкали очилаётгани, албатта, беҳиз эмас. Уйлайманки, барчамиз, айниқса, сиз, азизлар бир ҳақиқатни яхши биласиз: Ислом Абдуғаниевич Қашқадарёни, унинг мард ва олижаноб элини буюк бир меҳр билан севаб, бу заминни Ватан ичра Ватаним, деб ардоқлар эдилар.

Биринчи Президентимиз сиёсий фаолиятининг унутилмас саҳифалари айнан шу замин билан боғлиқ эканини барчамиз яхши биламиз. У киши яқин тарихимизнинг энг қийин ва мураккаб даврида — 1986 — 1989 йилларда Қашқадарё вилоятига раҳбарлик қилдилар.

Тарихда "пахта иши", "ўзбек иши" деб ном олган сиёсий кампаниялардан энг кўп азоб чеккан Қашқадарё вилояти учун Ислом Абдуғаниевичнинг раҳбар бўлиб келиши Яратганининг беқиёс марҳамати бўлган эди.

Турли зугум ва қатагонлар авж олган ўша қалтис замонда у киши ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, чинакам мардлик ва жасорат фазилатларини намойён этдилар.

Ислом ака минг-минглаб бегуноҳ одамларни зулм чангалидан қутқариб олганини Қашқадарё аҳли ҳеч қачон унутмайди.

Меҳнатқаш ва матонатли бу эл Ислом Абдуғаниевични ўз фарзандидек қабул қилиб, унга туз-насиба бергани, озодлик ва адолат йўлидаги курашларда унга камарбаста бўлгани — бу ҳам ҳақиқат.

Ислом ака Қашқадарёга келса, ўз уйига келгандек, бу ердаги одамларни кўрганларида, энг яқин қадрдонларини кўргандек яйраб кетишларига барчамиз кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Улуғ Йўлбошимиз Қашқадарё — бу Оллоҳ назари тушган юрт, Ўзбекистоннинг беҳисоб бойликларга эга хазинаси, деб таърифлар эдилар. Қашқадарё аҳлини эса ҳар қандай шароитда ҳам ишонса бўладиган, меҳр-оқибат ва оддийликни жойига қўйдиган жасур ва мардона эл, деб эъзозлар эдилар. Чироқчидаги оддий чўпондан тортиб,

Шахрисабздаги моҳир усталаргача, Муборакдаги газчилар, Ғузордаги миришкор фермерлардан тортиб, Қамашидagi полвонлар, Деҳқонobodдаги бахшиларгача — ҳаммаси Ислом аканинг кўнглига яқин ва қадрли эди.

У киши сиз, азизларнинг эзгу фазилатларингиз учун доимо миннатдор бўлиб яшадилар. Яхшиликнинг қадрига етадиган Қашқадарё эли ҳам ўзига доимо елкадош бўлган, шу заминга буюк фарзандлик меҳри билан яшаган Ислом Каримов билан ҳамisha фахрланади.

Сизлар билан 2016 йил 16 ноябрда, Президент сайлови арафасида бўлган учрашувда Қарши шаҳрида Биринчи Президентимиз ҳайкалини барпо этиш ҳақида келишиб олган эдик.

Бугун ана шу эзгу ниятимиз амалга ошмоқда. Ислом Абдуғаниевичнинг бу қутлуг масканда очилаётган улугвор сиймосида у кишининг ўзи севган Қашқадарё заминига юксак меҳри ва эътиборини қўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Сизларга маълум, Биринчи Президентимизнинг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида барпо этилган муаззам ҳайкаллари бугунги кунда юртдошларимиз учун қутлуг зиёратгоҳга айланди.

Ишончим комил, бугун Қарши шаҳрида очилаётган муҳташам обида ҳам Қашқадарё аҳли, бутун эл-юртимиз катта меҳр ва хурмат билан талпинадиган табаррук масканга айланади.

Азиз дўстлар!
Ислом Абдуғаниевич Қашқадарё вилоятини Ўзбекистоннинг ривожланган минтақаларидан бирига, Қарши ва Шахрисабзни дунёдаги энг гўзал шаҳарларга айлантиришни истар эди.

Ана шу улуг мақсадни амалга ошириш учун мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳбарлигида жуда кўп ишлар қилинди. Айниқса, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Деҳқонобод қалийли ўғитлар заводи, Тошгузар — Бойсуён — Қумқўрган темир йўли каби ноёб иншоотлар айнан Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканини барчамиз чуқур миннатдорлик билан эслаймиз.

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан Қарши ва Шахрисабз шаҳарларининг 2700 йиллик, Соҳибқирон Амир Темур бобоимизнинг 660 йиллик тарихий саналари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

У киши имзо чеккан тарихий қарорга мувофиқ, Қашқадарё аҳли, бутун халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Шахрисабз шаҳрида жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани сизларга яхши маълум. Қашқадарё вилоятида бу ишлар хозирги кунда

янада кенг миқёсда давом эттирилиб, янги босқичга кўтарилмоқда.

Вилоят ҳудудида ўнлаб замонавий корхоналар, йўл ва кўприklar, янги-янги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Айниқса, Қарши — Шахрисабз йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатновини йўлга қўйиш, Абу Муъин Насафий бобомизнинг ёдгорлик мажмуасини барпо этиш, шу йилнинг куз ойида Шахрисабзда халқаро мақом анжуманини ўтказиш ва бошқа катта лойиҳалар бўйича жадал иш олиб борилмоқда.

Бундай улкан ишлардан халқимиз рози бўлади, муҳтарам Ислом Абдуғаниевичнинг руҳлари шод бўлади, деб ўйлайман.

Хурматли тантанали маросим иштирокчилари!

Биринчи Президентимиз илк бор 1986 йилда — юртимиз осмонини қора булут қоплаган қалтис бир пайтда Қашқадарёга келган эдилар. Ўша даврдан бошлаб умрининг сўнгги кунларига гача бу саховатли замин билан, унинг олижаноб халқи билан бирга бўлдилар.

Азиз Юртбошимизнинг вилоятларимизга қилган охириги ташифи ҳам айнан Қашқадарё воҳасига бўлган эди. Уйлайманки, бунда ҳам жуда катта маъно бор.

Бугун очилаётган муҳташам ҳайкал тимсолида Ислом Абдуғаниевич ўзи учун беҳад қадрли бўлган Қашқадарё аҳлига тинчлик-омонлик, бахт-саодат тилаб, гўё бу қутлуг заминга фарзандлик меҳри билан таъзим қилаётгандек туолади.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, бу муаззам обида барчамиз, айниқса, ёшларимиз учун халқимиз ва Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш рамзи бўлиб қолади, Қашқадарё аҳлини буюк марраларга даъват этиб туради.

Фурсатдан фойдаланиб, бу гўзал ва бетакор мажмуани барпо этишда иштирок этган ҳайкалтарош ва меъморларга, қурувчиларга, бу ишга ҳисса қўшган барча инсонларга, бутун Қашқадарё аҳлига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Мустақил Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшиб келаётган Қашқадарё замини ҳамisha гуллаб-яшасин!

Ислом Абдуғаниевичдек мард ва фидойи инсонларни тарбиялаб вояга етказган халқимиз доимо омон бўлсин!

Улуғ устозимизнинг охиратлари обод бўлсин!
Яна бир бор катта раҳмат сизларга!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ МАҚБАРА МАЖМУАСИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Хурматли Татьяна Акбаровна!
Муҳтарам Самарқанд аҳли!

Барчангизга маълумки, шу кунларда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 80 йиллик таваллуд айёми бутун мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Мана, ҳозиргина Қашқадарё вилоятида бўлиб қайтдик. Қарши шаҳрида Ислом Абдуғаниевич хотирасига бунёд этилган ҳайкалнинг тантанали очилиши ва эҳсон маросими бўлиб ўтди. Ана шу хотира тадбирларининг давоми сифатида сизлар билан азим Самарқанд шаҳрида, том маънода табаррук заминда яна бир тарихий воқеа муносабати билан тўпланиб турибмиз.

Қадимий Самарқанд диёридаги энг биринчи масжид бўлмиш машҳур Ҳазрати Хизр аш-Шоҳи Зинда қабурхоналари ёнига бугун яна бир қутлуг қадамга қўшилмоқда.

Ҳаммангиз хабардорсиз, ўзларининг васиятига биноан Биринчи Президентимиз айнан мана шу муборак масканга дафн этилган эди.

Албатта, биз бу ёдгорлик мажмуасини кенг ва катта майдонда, жуда маҳобатли қилиб қуришимиз ҳам мумкин эди. Лекин бир ҳақиқат ҳаммамизга яхши аён: раҳматли Ислом ака гоёт камтарин, самимий, оддий инсон эдилар. Ортиққа ҳашам ва дабдабани ёқтирмас эдилар.

Кўпни кўрган, доншманд халқимиз яхши тушунади: улуг шахслар хотирасига бунёд этилган ёдгорлик обидаларининг қиммати, аввало, ана шу инсоннинг ўз халқи ва Ватани, келгуси авлодлар олдидagi эзгу ва савоб ишлари, одамлар қалбидa қолдирган сўнмас хотираси билан ўлчанади.

Барчамиз гувоҳимиз: Ислом аканинг вафотларидан сўнг бутун юртимиздан, Ер юзининг турли ўлкаларидан бу ерга минг-минглаб зиёратчилар оқиб кела бошлади. Шунинг ўзидек мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, мамлакатимизга 27 йил давомида раҳбарлик қилган Биринчи

Президентимиз ўзининг буюк тарихий хизматлари билан халқимиз хотирасида, жаҳон жамоатчилиги ўртасида қанчалик ёрқин эш қолдирганини кўрсатади.

Ишончим комил, бугун ушбу мақбара очилиши билан зиёратчилар оқими янада кўпаяди. Бу маскан одамлар, айниқса, ёш авлодимизнинг қадами ҳеч қачон узилмайдиган муқаддас зиёратгоҳга, катта тарбия масканига айланади.

Азиз дўстлар!
Улуғ Юртбошимизга кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эҳтиром ҳақида, унинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритар эканмиз, яқин ўтмишда барчамизнинг юрагимизда оғир яра бўлиб қолган бир воқеа кўз олдимиздан ўтиши табиий, деб ўйлайман.

Биз ўзгаларга қарам бўлиб яшаган мустабид тузум даврида бутун онгли ҳаётини эл-юрт равнақиға бағишлаган инсонлар, аввало, республикамиз раҳбарлари хотирасига, афсуски, муносиб иззат-икром кўрсатилмади.

Бунинг ўрнига уларнинг шаънига турли тўхнат ва бўҳтонлар ёғдирилганини кекса авлод вакиллари, муҳтарам фахрийларимиз ҳозиргача афсусланиб эслайдилар.

Одабийликни, инсон хотирасини ҳамisha азиз ва муқаддас деб биладиган бизнинг халқимиз бундай адолатсиз ишларни асло қабул қилмайди. Юртимизда бундай номаъқул ишларга энди ҳеч қачон йўл қўйилмайди.

Ватан учун, халқ учун бутун борлигини бахш этган, ўзини аямасдан, фидокорона хизмат қилган улуг зотларга юксак эҳтиром кўрсатиш бизнинг мамлакатимизда доимо биринчи ўринда туриши, керак бўлса, ҳаётимиз қоридасига айланиши зарур. Шундангина биз ўз кадр-қимматини чуқур англаган, бошқалар ҳам ҳурмат қиладиган халқ ва миллат сифатида ўзгичмизни намойён қила оламиз.

Қадрли юртдошлар!
Кўз ўнгимизда қад ростлаб турган ушбу бетакор мажмуа, аввало, мустақилликимиз асосчиси, истиқлолимиз меъмори бўлган муҳтарам Ислом Абдуғаниевичнинг ўлмас хотирасига халқимизнинг чексиз ҳурмат-эҳтироми ва меҳр-муҳаббатининг амалий ифодаси сифатида барпо этилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган минглаб бунёдкор қурувчилар томонидан қисқа муддат-

да бу ерда кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бу муҳташам мақбара мажмуасини қуришда Шарқ олами, хусусан, Ислом Абдуғаниевич жондан севган Самарқанд тарихий обидалари, миллий меъморлик мактабига хос усул ва анъаналар ҳар томонлама ҳисобга олинди. Амир Темур, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Хожа Аҳрор Валий каби буюк боболаримиз мақбараларининг гўмбазлари, ноёб нақшлари ва деворий безакларидан ижодий фойдаланилди.

Ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишда муҳим бир жиҳатга алоҳида эътибор беришимизни сўрар эдим. Мақбара пештоқларига муқаддас Куръон оятлари ва ҳадис намуналари битилган бўлиб, уларда теран маъно муҳассам. Бу илоҳий қалималар ҳар қайси инсонни маънавий жиҳатдан поклаштиришга, ҳаётини маъно-маъмуни чуқурроқ англашга даъват этиб туради.

Зиёратгоҳ ёнида бунёд этилган ўзбекона гўзал айвон деворларига муҳрланган Биринчи Президентимизнинг ҳикмати сўзларида айтилганидек, инсон бу дунёдан ўтиб кетганидан кейин ҳам унинг эзгу ишлари, эзгу хотираси мангу яшайди.

Бу борада Ислом Абдуғаниевичнинг ўзлари барчамиз учун юксак ибрат ва ўрнатилган бўлиб яшадилар, десак, айна ҳақиқатини айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу мажмуани барпо этишда иштирок этган меъмор ва қурувчилар, пудратчи ташкилотлар вакиллари, бу хайрли ва савоб ишга ҳисса қўшган барча-барча инсонларга, Самарқанд аҳлига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга руҳсат этгайсиз.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!
Мард ва олижаноб, бағрикенг халқимиз мустақил Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовни, ул зотнинг Ватан олдидagi беқиёс хизматларини ҳеч қачон унутмайди.

Барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислом акамизнинг охиратлари обод бўлсин!

Мана шундай буюк инсонларни тарбиялаб вояга етказган халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!
Эътиборингиз учун раҳмат.

ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИ ҚАЛЪЛАРИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ислом Каримов ўша оғир ва мураккаб йилларда, кейинчалик мустақиллик даврида ҳам Қашқадарё вилоятининг иқтисодий кўтариш, одамларни рози қилиш йўлида тиним билмай меҳнат қилди. Вилоят аҳли, ёши улуглар у кишининг меҳнатсеварлиги, эзгу ташаббуслари ва беминнат ёрдамларини доимо ёдда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Каримов ҳайкалини очди. Буюк Юртбошимиз ҳайкали пойга гуллар қўйди, унинг хотирасига хурмат бажо келтирди.

Ислом Каримов бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам юксак обрў-эътибор қозонди.

Буюк Йўлбошимиз бошлаб берган оламшумул ислохотлар бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори халқимизнинг буюк фарзандига чексиз хурмат ва садоқатнинг амалий ифодаси бўлди. Қарорда кўзда тутилганидек, Биринчи Президентимиз номи абадийлаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди.

Пойтахтимизнинг Фаргона йўли кўчасидаги жоме масжидга "Ислом ота" номи берилди. Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов музейини ташкил этиш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Қарор ижроси доирасида Тошкент давлат техника университети, Асака шаҳридаги автомобиль заводи, Фаргона шаҳридаги Санъат саройи, Тошкент халқаро аэропорти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларидаги кўчаларга Ислом Каримов номи берилди. Тошкент, Самарқанд, Қарши шаҳарларида буюк Йўлбошимизнинг ҳайкали ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишон-

лаш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан мамлакатимиз бўйлаб маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилмоқда.

Маросимда Қашқадарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Эсонбой Ражабов, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Қарши давлат университети доценти Абдурахим Эркаев, Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова сўзга чиқиб, Ислом Абдуғаниевич Каримов Қашқадарё халқини чексиз муҳаббат билан севгани, бу воҳдан санъати ривожланган ҳудудга айланган, қолаверса, бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлагани, унинг сўмас хотираси миннатдор юрtdошларимизнинг, бутун халқимизнинг қалбида абадий сақланиб қолишини таъкидлади.

Шу кун Ислам Каримов ҳайкали пой гулларга бурканди.

Кенг жамоатчилик вакиллари Биринчи Президентимиз хотирасига хурмат бажо келтирди.

Буюк давлат ва жамоат арбоби туғилиб ўсган Самарқанд шаҳрида 30 январь кун Ислам Каримов хотирасига атаб бунёд этилган мақбара мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз жамоатчилиги вакиллари, юртимизнинг барча ҳудудидан келган фаоллар, нурунийлар, ёшлар иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллиги ва янги давлатчилигимиз асосчиси,

буюк сиёсатчи ва оқил ислохотчи Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширган ишлари Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирганини таъкидлади.

Буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримов 2016 йил 3 сентябрь кун ўз васиятига кўра, Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр Масжиди мажмуасида дафн этилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу ерда Биринчи Президентимизнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги буюк хизматларига муносиб улғувор мақбара мажмуаси қуришга қарор қилинди. "Бу табарруқ маскан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг азиз ва ардоқли фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг мангу оромгоҳидир". Ушбу сўзлар мажмуага қираверишда ўрнатилган мрамор лавҳада ўзбек ва инглиз тилларида ёзиб қўйилган.

Ёдгорлик мажмуасини барпо этиш ишлари ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилди ва бутун жаҳон маданий меросининг объектларидан бири ҳисобланган Ҳазрати Хизр масжидига уйғун мақбара лойиҳаси тасдиқланди.

Мажмуа қурилишига юртимизнинг турли ҳудудларидан моҳир қурувчилар, уста ва ҳунармандлар жалб этилди. Мақбара учун хоридан қимматбахо тошлар, айвон устунлари ва зина панжалари, ёзули оқ оникс ва оникс тошлари келтирилди.

Мақбара ичида оқ қабр тоши

ўрнатилди. Деворлар қимматбахо тошлар билан безатилиб, уларга олтин суви билан ишлов берилди. Мақбаранинг пастки қисми яшил оникс тошлар билан қопланган. Гумбази Ҳазрати Хизр мажмуаси билан ҳамохан тарзда барпо этилди.

Мажмуа ҳудудига миллий услубдаги айвон бунёд этилди. Бу ерда зиёратга келувчилар учун ҳар томонлама қулай шароит яратилган, ўриндиқлар қўйилган. Айвон пештоқларида Қуръони карим оятлари ҳамда Ислом Каримовнинг ҳикматли сўзлари ўзбек, араб ва инглиз тилларида ёзилган.

Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида лифт, имконияти чекланганлар учун кўтаргич мосламалар ўрнатилди. Замонавий тунги ёритиш тизими яратилди. Ислом Каримов кўчасини мажмуа билан боғловчи кўприк барпо этилди.

Қурилиш жараёнида Ҳазрати Хизр масжиди ҳам реставрация қилинди, минора керамика тошлари билан безатилди. Мажмуага олиб борувчи йўлларга гранит тош терилди. Бельгиядан келтирилган каштан (қорақайин), шунингдек, Қрим қарағайи, можжевельник (қора арча), бутасимон дарактлар экилди, яшил майсазорлар ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги бир йилдан кўпроқ вақт давомида Самарқандга ҳар бир ташрифи чоғида мажмуа қурилиш жараёни билан ақиндан танишиди. Ушбу масканни юртимизнинг энг қутлуғ қадамжоларидан бири сифатида обод қилиш, зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш борасида маслаҳат ва тавсиялар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов мақбарасини "зиёрат қилиб", Биринчи Президентимиз хоти-

расига хурмат бажо келтирди. Қуръон тиловат қилинди.

Меҳнат фахрийси Тўлқин Аҳмаджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Хосият Бобомуродова, Самарқанд шаҳридаги Фафур Гулом номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олимжон Фафуров, Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова ушбу мажмуа давлатимиз ва халқимизнинг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бўлган юксак хурмат-эҳтироми сифатида қутлуғ зиёратгоҳ бўлишини таъкидлади.

Тадбир иштирокчилари мақбарани зиёрат қилиб, гуллар қўйдилар.

Маросимдан сўнг давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов ҳайкали пойга гул қўйди. Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида эхсон оши берилди.

Ислом Каримов мақбара мажмуасига Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган фаоллар, кенг жамоатчилик, турли идора ва ташкилотлар вакиллари, Самарқанд вилояти аҳолиси томонидан гуллар қўйилди. Биринчи Президентимизнинг порлоқ хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

30 январь кун Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди, эхсон ошлари берилди.

Абу Бақир ҲАЖИМОВ, Матназар ЭЛМУРОДОВ, Голиб ҲАЖИМОВ, ҲАА махсус мухбирлари.

Сардор ҲАЖИМОВ, Ёлқин ШАМСИДИНОВ ошган суратлар.



Элим деб, юртим деб яшаган инсон ҳеч қачон нутилмайди

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида таълим муассасалари, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида хотира кечалари ўтказилмоқда.

Биринчи Президентимизнинг туғилган кунини — 30 январда Тошкент шаҳридаги Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида ана шундай тадбир ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давони масъул ходимлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ҳамда идоралар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, пойтахтимиз аҳолиси ҳамда меҳмонлари Ислом Каримов ҳайкали пойга гулчамбарлар қўйишди.

Биринчи Президентимизнинг фидойилик, мардлик, ватанпарварлик каби фазилатлари барчамиз учун ёрқин ибратдир. Улуғ инсоннинг мамлакатимиз тинчлигини асраш, тараққиётини таъминлаш йўлида амалга оширган ишларини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Нукусда ўтказилган давра таъбиҳида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адиллар, олимлар ҳамда ёшлар қатнашди. Унда мустақиллигимиз асосчиси юртимизнинг энг қутлуғ қадамжоларини халқимиз йўлидаги буюк тарихий хизматлари алоҳида таъкидланди. Жумладан, Биринчи Президентимизнинг раҳбарлигида мамлакатимизнинг барча ҳудуди қатори Оролбўйида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Туман ва шаҳарлар, қишлоқ ҳамда олис овуллар янгича қиёфа касб этди, замонавий корхоналар,



ижтимоий объектлар қад ростлади, коммуникация тармоқлари барпо қилинди.

— Ислом Каримов бутун ҳаёти ва фаолияти давомида "Биздан овоз ва обод Ватан қолсин!", "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!" деган эзгу гояларга амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратди, — дейди Ажинибёз номидаги Нукус давлат педагогика институти профессори Каримбой Қурамович. — Биринчи Президентимиз гўзал Ватанини жонидан ортиқ севар, халқининг манфаатларини муҳофаза этиш ва рўйбга чиқаришни ҳаётининг бош мақсади, деб биларди. Шу боис ушбу сиймо кўп миллатли халқимиз қалбидан чуқур жой олди.

Тадбирда Ислом Каримовнинг рафиқаси Т. Каримова, академик С. Рашидова ҳамда бошқалар йиғилганларга Биринчи Президентимизнинг оғир ва мураккаб даврда юртимизда тинчлик ҳамда тараққиётни таъминлаш, ёш авлод учун бахтли

Ватан, тинчлик ва мустақиллик тараннум қилинди.

Наманганда буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларда Биринчи Президентимизнинг Ватан ҳамда халқ бахтсаодати йўлида амалга оширган улкан ишлари ифтихор билан тилга олинмоқда. Вилоятдаги муҳандислик-қурилиш институтида "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов фаолияти хроникаси (солнома)" китоби, Ислом Каримовнинг "Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир", "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарлари, шунингдек, "Президентга мактублар" китоби тақдими бўлиб ўтди.

— Ислом Каримовнинг Наманган ҳамда Наманганликлар ҳаёти, гуллар шаҳрини ривожлантириш йўлидаги хизматларини асло ёддан чиқармаймиз, — дейди Наманган давлат университети профессори Турсунбой Файзуллаев. — Бу инсон, айниқса, ўтган асрнинг таҳликали тўқсонинчи йилларидан халқимизни эсон-омон олиб чиққанлигини авлодлар доимо миннатдорлик билан эслайдди.

Вилоят марказидаги "Шодиёна" тантаналар мажмуасида ўтказилган анжуманда Биринчи Президентимизнинг порлоқ хотираси ёдга олиниб, эхсон оши тортилди.

Бундай тадбирлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ ошган сурат.

Сифатли дори-дармонлар билан таъминлаш имконияти кенгайди

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида барча саъй-ҳаракатлар замирида халқ манфаати, юрtdошларимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби эзгу мақсадлар мужассамдир. Бинобарин, Президентимиз раҳнамолигида инсон саломатлигига эришишга қаратилган улғувор ишларнинг қўламли ҳамда салмоғи тобора ортиб бораётган табиёт соҳасида кечаятган ислохотлар туфайли юзага келаятган ўзгаришлар натижаси ўлароқ, халқимиз соғлигини ишончли ва қафолатли муҳофаза этиш самарадорлиги ошмоқда.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Кўрсатилган табиий хизмат даражасини юксалтириш билан бирга, аҳолини сифатли ҳамда арзон дори воситалари билан таъминлашни яхшилаш чоралари кўриляпти. Кейинги даврда қабул қилинган қатор ҳужжатларнинг ижроси боис дори-дармон таъминотини ва савдосини тартибга солиш борасида ижобий натижалар қўлга киритилди. Буни одамлар ўз ҳаётида яққол ҳис этиб турибди. Бироқ шу билан бирга, ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмас. Хусусан, катта ҳаражатлар эвазига четдан харид қилинаётган дори воситалари ҳамда табиёт буюмларини бевосита мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдек гоят долзарб вазифани ҳал этиш даркор.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 ноябрда қабул қилинган "Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланганидек, маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш зарур. Президентимизнинг 2018 йил 23 январдаги "Дори воситалари ва табиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди мазкур масала ечимлари ўз ифодасини топган.

Қарорда, аввало, корхонанинг ўзи томонидан тайёрланган доривор моддалар (субстанциялар) ва бутловчи буюмлардан дори воситалари ҳамда табиёт буюмлари ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ва тўлиқ

бўлмаган технологик циклларига ойдинлик киритилган. Дори воситалари ҳамда табиёт буюмлари тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган технологик цикл бўйича ишлаб чиқаришда улар маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулоти, деб эътироф этилиши белгиланди.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қулайликлар яратиш ва уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар ҳам белгиланган бўлибди. Дори воситалари ҳамда табиёт буюмларини тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган технологик цикл бўйича, шунингдек, маҳаллий маҳсулотлар орасида муқобили бўлмаган "in bulk" маҳсулот асосида дори воситалари ҳамда табиёт буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга давлат харидларида иштирок этишда хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг худди шундай маҳсулоти қийматидан 20 фоиз миқдорда нарх преференциялари берилди. 2018 йил 15 апрелдан бошлаб дори воситалари ва табиёт буюмларининг "in bulk" маҳсулотни импорт қилишда, рўйхатдан ўтган тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган технологик цикл бўйича ишлаб чиқариладиган худди шундай маҳаллий маҳсулотлар мавжуд бўлган тақдирда, қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар қўлланилмайдиган бўлди. Дори воситалари ҳамда табиёт буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга "in bulk" маҳсулот асосида тайёрланган маҳсулотлар қисмига, рўйхатдан ўтган худди шундай маҳаллий маҳсулотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар 2019 йил 1 январга қадар сақлаб қолиниши белгиланган бўлди.

Бу дори-дармон ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарни рағбатлантириш, шу орқали аҳолини арзон дори-дармон ва табиёт буюмлари билан таъминлашга хизмат қилади.

Бинобарин, маҳаллий дори воситалари ҳамда табиёт буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш юзасидан Президент қароридида қайд этилган қоидалар қонунчиликда ҳам ифодаланиши назарда тутилиб, Вазирлар Маҳкамасига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 декабрдаги тегишли қарори билан тасдиқланган Дори воситалари ва табиёт буюмларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисида Низомга ҳам ўзгариш ва қўшимчалар киритиш вазифалари юклатилган.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қароридида белгиланган вазифаларнинг ҳаётида изчил таътиқ этилиши билан юрtdошларимизнинг Ўзбекистонда тайёрланган сифатли, арзон ҳамда рақобатбардош фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлаш борасида кескин бурилиш ясаилиши шубҳасиз. Албатта, биз, сенаторлар ушбу қарор ижроси устидан парламент назоратини қатъий амалга оширсак, кўп нарса ўзгаради. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар эса зиммасидаги масъулиятли вазифани виждонан бажариб, дийримиздаги бой хом ашё базасидан самарали фойдаланишлари уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайишига, рақобатбардошлиги орттишига туртки беради. Халқимизни эса хорижда ишлаб чиқарилган дори-дармонлардан сифати асло қолшимайдиган, нархи ҳамёнбоб дори воситалари билан таъминлаш учун муносиб шароит яратилади.

Солижон МҲМИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

Аҳоли муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш бугунги кунда ўта долзарб масалалардан ҳисобланади.

Муҳаммад Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида "Нафосат" тикув цехи ишга туширилди. Бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур цехда меҳнатга лаёқати чекланган ва ногиронлиги бор 40 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Иш охирига қадар яна шундай 3 та цех ташкил қилиниб, 228 нафар ногиронлиги бор аёлнинг бандлигини таъминлаш туман "йўл харитаси"га

ликда қарийб 1 минг 300 дан зиёд масалалар жойида ҳал қилинди. Маҳаллалардаги узок муддат хорижда ишлаб, шунингдек, қамоқ жазосини ўтаб қайтганлар, профилактик ҳисобга олинганлар, нотинч ва кам таъминланган оилалар, яқка-ёлғиз яшаётган фуқароларга мутасаддилар бириктирилди.

Худудимизда "Ёшлар қабулхона"лари, турли фан ҳамда спорт тўғрисидаги хорижий тилларни ўргатиш

аммо "йўл харита"ларига киритилди.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмалари асосида аҳоли хонадонларига кириш давомида оғир турмуш шароитида яшаётган 67 нафар аёлнинг, биринчи навбатда, бандлигини таъминлаш кўзда тутилган режа вилоят дастурига киритилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш доирасида 14 нафар имконияти чекланган, шу билан бирга, меҳнат қилиб даромад топиш истагида бўлган хотин-қизларнинг ҳам рўйхати шакллантирилди.

Жиноятчилик профилактикаси бўйича берилган топшириқлар ижросидан келиб чиқиб, хотин-қизлар кўмитаси, унинг 1500 нафардан ортиқ фаоллари, 213 та бошланғич ташкилоти билан биргаликда, энг аввало, нотинч оилалар билан ишлаш, уларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, тумандаги ҳар бир маҳаллада "Жиноятчиликдан холи ҳудуд"га айлантиришда "Кулф-қалит" тизимини жорий этиш ва амалга ошириш учун алоҳида режалар белгиланди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш, ўсмир қизлар соғлигини тиклаш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу борадаги тарғибот-тушунтириш ишларида хотин-қизлар фаолларини умумий амалиёт шифокорларига бириктириш орқали Саломатлик мактаби иштини тизимли ташкил этишимиз, шубҳасиз, эзгу мақсадларимиздан бири бўлади.

Биз ушбу саъй-ҳаракатларнинг давомийлигини таъминлашимиз. Зеро, бу каби ишларнинг ҳар бири аёлнинг ўзини чин маънода бахтли ҳис қилишига кенг имконият яратяди.

Одинахон ҲАЙИТЛИЕВА, Пахтабод тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Халқ қабулхоналарида

Соҳибкор ердан ризқ ундираман деса-ю, уни қўллаб-қувватлаш ўрнига кўксидан итаришса?! Бу икки йил олдин бошланган ғалла. Қизилтепа тумани Булакработ маҳалласида яшовчи Раҳмон Қўтлиевнинг бош суқмаган эшиги қолмади. Аммо мутасаддилардан ижобий жавоб бўлмади.



Боғбоннинг дардига қулоқ тутишди

Ташландиқ ер ўрнида боғ яратмоқчи эдим, — дейди Р. Қўтлиев. — Аризамга ҳар гал шу қаровсиз майдоннинг суратларини ҳам илова қилдим. Аммо қутилган натижа бўлмади. Ниҳоят Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг Қизилтепа туманидаги Халқ қабулхонаси вакиллари дардимга қулоқ тутишди. Масалам бир ҳафтага қолмай ўз ечимини топди. Айти пайтда боғбон амалии ишга киришган.

Ажратилган 5 гектар ерга мевали дарахт кўчатлари экилди. Йигирма миллион сўм сарфланган агротехник тадбирлар, ҳадемай, ўз самарасини бериши аниқ.

Темур ЭШБОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фуқаро нега сарсон бўлди?

Бухоро туманидаги 20-трестга қарашли 17-вакилликда экскаваторчилик қилган Азизжон Бозоров иш ҳақини тўлиқ оламан, деб анча овора бўлди.

Хар гал қолган пулимни сўрасам, мутасаддилар пайсалга солавердиши, — дейди Жондор туманидаги "Қароли" маҳалла фуқаролар йиғини худудида яшовчи Азизжон. — Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонасига мурожаат

қилишга мажбур бўлдим. Ваъда билан қозон қайнармиди?! Мурожаат атрофлича ўрганилди. Азизжон Бозоров ҳақ бўлиб чиқди. Унга 2014 йилнинг март ойидан бошлаб тўпланган 2 миллион 900 минг сўм миқдоридagi қолдиқ иш ҳақи 17-вакиллик томонидан тўланди.

Фақат бир савол туғилади: рўзгорим, деб елиб-югурган бир ишчинини шунча сарсон қилиш шартмиди?!

Умуман, жорий йилнинг ўтган даврида Президентнинг вилоятдаги Халқ қабулхонасига аҳолидан 2110 та мурожаат келиб тушди. Шулларнинг 1050 тасига ижобий ечим топилди. Қолганлари эса ўрганиб чиқилмоқда.

Истам БИРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Етти йиллик муаммо ечимини топди

Муродулло Юнусов Бағдод тумани марказидаги намунали уйлardan бирда истиқомат қилади. Яшаш шароити, яратилган қулайликлардан рози. Бироқ 2010 йилдан буён ичимлик суви босими пастигидаган маҳалладошлари азият чекишарди.

Муродулло андишанинг отини кўрқок қўймади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бағдод туманидаги Халқ қабулхонасига нажот истаб борди.

аввало, муаммо сабабини ўрганишди, — дейди М. Юнусов. — Маълум бўлишича, қўшни маҳаллалардаги бир қатор хонадонларда яшовчилар, етти йилдирки, тармоқдан оқонуний фойдаланиб

келишайтган экан. Қолаверса, сув узаткичининг электр жиҳозлари корёмғир таъсирида носоз ҳолатга келибди. Шу тариха эҳтиёт қисмлар янги-ланди, қувурлар таъмирланди. Ўзбошимчалик билан манбага уланган фуқароларга қонуний чоралар кўрилди. Мана ҳозир, таъминот талаб даражасида.

Элёржон ЭХСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳаётини ислохотлар

хотин-қизлар турмушида акс этмоқда

муҳимлиги қатъий белгилаб қўйилди. Бу беҳиз эмас. Чунки опа-сингилларимиз турмуш шароитларидаги айрим камчиликлар, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги эътиборсизликлар бу борада тизимли саъй-ҳаракатлар олиб боришни талаб этмоқда.

Мазкур жараёнда жамоат ташкилотлари, хусусан, хотин-қизлар кўмиталари мамлакатимиз раҳбари томонидан билдирилган танқидий фикрлардан хулоса чиқариб, янгича ёндашув асосида фаолият юритапти. Буни республикамизнинг энг чекка, чегара худудларидан бўлган Пахтабод туманида амалга оширилётган ишлар мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Айтиш жоизки, бугун ҳар бир хонадонда, оилага кириб, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш, аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжман, ўзгалар ҳимоясига муҳтож қатламига, ногиронлиги бор фуқароларга, турмуш шароити оғир хотин-қизларнинг

муаммоларни ўрганиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича республика ишчи гуруҳи кўмагида рўёбга чиқарилаётган чора-тадбирлар аёлларнинг дарду қувончига шерик бўлиш, уларнинг ўз турмушидан, ҳаётдан рози бўлиб яшашларини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оналар ҳамда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аёллар ва воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, эрта ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишда аққол намоян бўлапти. Мисол учун, ўтган йили туманимизда хотин-қизлар учун 1215 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, уй-жойга муҳтож ногиронлиги бор 7 нафар аёлга замонавий лойиҳалар асосида қурилган арзон уй-жойлар топширилди. Жорий йилда 25 нафар ана шундай опа-сингилларимизни янги уй-жой билан таъминлаш чоралари қўрилмоқда.

Шу йилнинг бошида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан туманимиздаги Заҳрирiddин

киритилди. Албатта, мазкур ишларни бажаришда Президентимизнинг 2017 йил 1 августдаги "Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ҳамда 2017 йил 1 декабрда имзоланган "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлмоқда.

Туманимизда аҳоли билан мулоқот тизимли йўлга қўйилган. Жорий йилнинг ўтган қисқа даврида "Пушмон", "Шовруқ", "Тўққизбоғ", "Учқўрғон" ва "Зиёли" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 1 минг 610 хонадонга ташриф буюрилиб, одамларнинг яшаш шароити, муаммолари ўрганилди. Ушбу жараёнда фуқароларнинг саломатлиги, бандлиги, оиладаги ижтимоий-маънавий муҳит, банклардан кредитлар олиш билан боғлиқ ҳамда бошқа қатор масалалар бўйича 1 минг 625 та муаммо аниқланди. Мутасадди ташкилотлар билан бирга-

маркази, тикув цехини ўз ичига олган, барча қулайлик ва замонавий қиёфага эга "Ёшлар маркази"нинг фойдаланишга топширилгани пахтабодлик йигит-қизлар учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Айтиш мумкинки, Республика ишчи гуруҳи олиб бораётган ишларимизнинг янада тизимли, манзилли, натижалли бўлиши учун услубий кўмаклашмоқда. Бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтсақ, энг аввало, ногиронлиги бор инсонлар, турмуш шароити оғир аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этиш жоиз.

Жумладан, айти пайтда туманимизда 1238 нафар ногиронлиги мавжуд, имконияти чекланган хотин-қиз истиқомат қилади. Аҳоли хонадонларида бўлиб, уларнинг муаммолари, эҳтиёжлари яна бир бор батафсил ўрганилди. Улардан 51 нафарининг уй-жойга муҳтожлиги, 273 нафарининг саломатлигини мустаҳкамлаш, реабилитация воситаларига зарурати, 540 нафарининг меҳнат қилиш учун лаёқати борлиги аниқланиб, ҳар бир му-

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкнинг «Янги йил совғаси» тиражли, пул-буом ютуқли лотереяси (2-чиқарилиши) бўйича 2018 йил 27 январда Чирчиқ шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражи РАСМИЙ ЖАДВАЛИ. «Янги йил совғаси» тиражли, пул-буом ютуқли лотереяси (2-чиқарилиши) ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилиб, унда 1 561 554 000 (бир миллиард беш юз олти миш бир миллион беш юз эллик тўрт минг) сўмлик 143 600 та пул-буом ютуқлари ўйналди. Ютуқли лотереялар иккита разряддаги бир хил серия ва билет рақамлари бўйича ютуқли ҳисобланади. Тиражда ўйналган ютуқ фонди суммаси иккита разрядда жами 3 123 108 000 (уч миллиард бир юз йигирма уч миллион бир юз саккиз минг) сўмлик 287 200 та пул-буом ютуқларини ташкил қилди. Серия ва билет рақами қуйидагича бўлган лотерея билетлари жадалда қайд этилган пул ва буом ютуқлари чиқди:

Table with 4 columns: T/p, Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. It lists lottery results for various ticket numbers and prize amounts.

(Давоми 4-бетда).

(Давоми. Бошланиши 3-бетда.)															
Т/р	Серия рақами	Билет рақами	Ютуқ номи	Т/р	Серия рақами	Билет рақами	Ютуқ номи	Т/р	Серия рақами	Билет рақами	Ютуқ номи	Т/р	Серия рақами	Билет рақами	Ютуқ номи
216	002230	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	348	003605	103*)	500 000 сўм пул ютуғи	481	005106	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	614	006564	120*)	200 000 сўм пул ютуғи
217	002285	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	349	003642	014*)	200 000 сўм пул ютуғи	482	005126	039*)	200 000 сўм пул ютуғи	615	006567	046*)	200 000 сўм пул ютуғи
218	002300	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	350	003645	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	483	005127	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	616	006581	001-200	25 000 сўм пул ютуғи
219	002301	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	351	003652	119*)	500 000 сўм пул ютуғи	484	005128	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	617	006588	001-200	10 000 сўм пул ютуғи
220	002315	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	352	003654	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	485	005133	046*)	200 000 сўм пул ютуғи	618	006592	062*)	200 000 сўм пул ютуғи
221	002347	082*)	200 000 сўм пул ютуғи	353	003657	009*)	200 000 сўм пул ютуғи	486	005136	104*)	200 000 сўм пул ютуғи	619	006609	077*)	200 000 сўм пул ютуғи
222	002373	048*)	200 000 сўм пул ютуғи	354	003672	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	487	005146	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	620	006610	001-200	25 000 сўм пул ютуғи
223	002407	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	355	003709	141*)	500 000 сўм пул ютуғи	488	005147	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	621	006642	142*)	«Matiz» автомобили
224	002410	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	356	003719	046*)	200 000 сўм пул ютуғи	489	005169	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	622	006655	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
225	002419	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	357	003729	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	490	005171	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	623	006668	001-200	10 000 сўм пул ютуғи
226	002426	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	358	003731	091*)	1 000 000 сўм пул ютуғи	491	005181	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	624	006675	144*)	200 000 сўм пул ютуғи
227	002439	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	359	003751	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	492	005184	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	625	006678	001-200	10 000 сўм пул ютуғи
228	002445	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	360	003769	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	493	005189	158*)	200 000 сўм пул ютуғи	626	006690	070*)	200 000 сўм пул ютуғи
229	002455	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	361	003770	050*)	200 000 сўм пул ютуғи	494	005192	115*)	1 000 000 сўм пул ютуғи	627	006695	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
230	002459	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	362	003781	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	495	005200	046*)	500 000 сўм пул ютуғи	628	006701	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
231	002466	060*)	5 000 000 сўм пул ютуғи	363	003783	185*)	200 000 сўм пул ютуғи	496	005219	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	629	006711	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
232	002468	192*)	200 000 сўм пул ютуғи	364	003791	055*)	200 000 сўм пул ютуғи	497	005248	042*)	200 000 сўм пул ютуғи	630	006716	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
233	002474	143*)	200 000 сўм пул ютуғи	365	003794	118*)	200 000 сўм пул ютуғи	498	005250	187*)	200 000 сўм пул ютуғи	631	006720	170*)	200 000 сўм пул ютуғи
234	002488	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	366	003808	052*)	200 000 сўм пул ютуғи	499	005251	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	632	006722	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
235	002508	100*)	200 000 сўм пул ютуғи	367	003817	020*)	200 000 сўм пул ютуғи	500	005273	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	633	006731	038*)	200 000 сўм пул ютуғи
236	002516	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	368	003839	164*)	500 000 сўм пул ютуғи	501	005289	056*)	200 000 сўм пул ютуғи	634	006738	020*)	500 000 сўм пул ютуғи
237	002524	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	369	003843	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	502	005295	169*)	500 000 сўм пул ютуғи	635	006753	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
238	002525	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	370	003890	079*)	200 000 сўм пул ютуғи	503	005301	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	636	006756	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
239	002529	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	371	003894	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	504	005305	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	637	006761	120*)	200 000 сўм пул ютуғи
240	002530	108*)	500 000 сўм пул ютуғи	372	003901	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	505	005318	038*)	500 000 сўм пул ютуғи	638	006765	001-200	200 000 сўм пул ютуғи
241	002540	196*)	200 000 сўм пул ютуғи	373	003904	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	506	005324	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	639	006775	185*)	200 000 сўм пул ютуғи
242	002557	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	374	003929	175*)	200 000 сўм пул ютуғи	507	005333	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	640	006780	124*)	200 000 сўм пул ютуғи
243	002586	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	375	003956	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	508	005337	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	641	006786	087*)	200 000 сўм пул ютуғи
244	002597	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	376	003964	180*)	500 000 сўм пул ютуғи	509	005348	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	642	006790	001-200	25 000 сўм пул ютуғи
245	002630	155*)	500 000 сўм пул ютуғи	377	003965	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	510	005352	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	643	006804	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
246	002633	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	378	003975	001-200	100 000 сўм пул ютуғи	511	005353	180*)	200 000 сўм пул ютуғи	644	006822	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
247	002640	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	379	003985	163*)	500 000 сўм пул ютуғи	512	005369	054*)	500 000 сўм пул ютуғи	645	006823	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
248	002649	051*)	200 000 сўм пул ютуғи	380	003989	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	513	005383	047*)	200 000 сўм пул ютуғи	646	006824	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
249	002666	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	381	004008	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	514	005389	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	647	006830	052*)	200 000 сўм пул ютуғи
250	002672	123*)	200 000 сўм пул ютуғи	382	004030	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	515	005399	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	648	006831	032*)	1 000 000 сўм пул ютуғи
251	002676	159*)	200 000 сўм пул ютуғи	383	004031	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	516	005418	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	649	006867	158*)	200 000 сўм пул ютуғи
252	002690	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	384	004043	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	517	005422	155*)	10 000 000 сўм пул ютуғи	650	006870	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
253	002694	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	385	004048	077*)	200 000 сўм пул ютуғи	518	005424	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	651	006882	104*)	«Damas» автомобили
254	002697	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	386	004061	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	519	005441	177*)	500 000 сўм пул ютуғи	652	006889	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
255	002698	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	387	004076	076*)	500 000 сўм пул ютуғи	520	005453	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	653	006895	001-200	25 000 сўм пул ютуғи
256	002707	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	388	004082	086*)	200 000 сўм пул ютуғи	521	005457	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	654	006909	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
257	002709	108*)	200 000 сўм пул ютуғи	389	004085	034*)	200 000 сўм пул ютуғи	522	005462	034*)	«Damas» автомобили	655	006933	131*)	200 000 сўм пул ютуғи
258	002713	090*)	200 000 сўм пул ютуғи	390	004090	012*)	200 000 сўм пул ютуғи	523	005511	033*)	500 000 сўм пул ютуғи	656	006934	151*)	1 000 000 сўм пул ютуғи
259	002718	124*)	200 000 сўм пул ютуғи	391	004099	195*)	200 000 сўм пул ютуғи	524	005529	021*)	200 000 сўм пул ютуғи	657	006943	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
260	002722	026*)	200 000 сўм пул ютуғи	392	004116	105*)	500 000 сўм пул ютуғи	525	005530	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	658	006945	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
261	002725	184*)	500 000 сўм пул ютуғи	393	004118	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	526	005536	103*)	200 000 сўм пул ютуғи	659	006947	145*)	200 000 сўм пул ютуғи
262	002739	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	394	004146	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	527	005537	187*)	200 000 сўм пул ютуғи	660	006958	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
263	002741	098*)	200 000 сўм пул ютуғи	395	004147	200*)	500 000 сўм пул ютуғи	528	005553	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	661	006976	179*)	200 000 сўм пул ютуғи
264	002752	096*)	500 000 сўм пул ютуғи	396	004157	035*)	500 000 сўм пул ютуғи	529	005560	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	662	006990	016*)	500 000 сўм пул ютуғи
265	002786	161*)	500 000 сўм пул ютуғи	397	004195	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	530	005583	001-200	50 000 сўм пул ютуғи	663	006995	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
266	002789	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	398	004223	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	531	005594	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	664	006996	103*)	1 000 000 сўм пул ютуғи
267	002796	002*)	500 000 сўм пул ютуғи	399	004232	111*)	200 000 сўм пул ютуғи	532	005643	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	665	007004	144*)	200 000 сўм пул ютуғи
268	002819	045*)	200 000 сўм пул ютуғи	400	004233	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	533	005649	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	666	007005	001-200	25 000 сўм пул ютуғи
269	002851	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	401	004250	102*)	200 000 сўм пул ютуғи	534	005695	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	667	007006	001-200	10 000 сўм пул ютуғи
270	002879	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	402	004252	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	535	005710	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	668	007018	001-200	5 000 сўм пул ютуғи
271	002896	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	403	004261	087*)	200 000 сўм пул ютуғи	536	005736	023*)	200 000 сўм пул ютуғи	669	007027	189*)	500 000 сўм пул ютуғи
272	002915	107*)	500 000 сўм пул ютуғи	404	004272	107*)	1 000 000 сўм пул ютуғи	537	005750	001-200	25 000 сўм пул ютуғи	670	007064	104*)	200 000 сўм пул ютуғи
273	002919	074*)	500 000 сўм пул ютуғи	405	004291	001-200	5 000 сўм пул ютуғи	538	005757	122*)	200 000 сўм пул ютуғи	671	007068	174*)	500 000 сўм пул ютуғи
274	002921	001-200	10 000 сўм пул ютуғи	406	004295	001-200	25 000								